

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ


ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
филология фанлари доктори, профессор



АДАБИЙ ТАФАККУР ТЎЛҚИНЛАРИ

Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликка доир ўтган йили чоп этилган китобларнинг ўзи йигирматадан ортиқ.

Тўғри, гап китобларнинг миқдорида эмас. Аммо, сифат ўзгаришларининг миқдор ўзгаришларидан келиб чиқиши ҳам аён ҳақиқат. Ўтган йили босилиб чиққан китоблар ўзбек адабиётининг турли муаммолари тадқиқига бағишлангани ва адабиёт илмининг деярли барча тармоқларини қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан, мазкур китобларни шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Адабиётнинг назарий масалаларини текширишга бағишланган тадқиқотларни биринчи гуруҳ деб олиб ва ушбу гуруҳга профессор Баҳодир Каримов томонидан тузилган "Ўзбек адабий танқиди", Уммат Тўйчиев қаламига мансуб "Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари", Исломжон Ёқубовнинг "Бадиий-эстетик сўз сеҳри" каби китобларини киритиш мумкин.

"Ўзбек адабий танқиди" антологиясига миллатимиз бадиий тафаккурида яхшидир, ёмондир муайян из қолдирган ҳар бир адабиёттанувчининг битта асари танланиб, ҳеч қандай шарҳу изоҳсиз берилгани жуда маъқул бўлган. Зеро, асарнинг ўзи муаллифнинг шахсияти ва ижтимоий позицияси тўғрисида ҳам тушунча беради. Бу жиҳатдан Миён Бузрук, Айн, Сотти Ҳусайн каби олимларнинг нохолис чиқишларинингда шу ҳолича тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлган. Шунингдек, расман илмий даражаси бўлмаса-да, адабиёт илмида ўз қарашига эга Аҳмад Отабой, Баҳодир Содиқов, Муртазо Қаршибой, Раҳимжон Раҳмат, Санжар Назар каби муаллифлар қаламига мансуб асарларнинг берилиши ҳам ўринли. Ушбу китоб XX аср ўзбек миллий адабий тафаккури тадрижи тўғрисида тасаввур уйғотиши билан аҳамиятлидир.

Заҳматкаш кекса олим Уммат Тўйчиев қаламига мансуб "Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари" асарида: "***Ҳар бир асар тақдирини риторика эмас, балки янгилик, нафосат ҳал қилади, шунинг учун яхши бадиий асар миллат ва жаҳон бадиий адабиёти тарихига киради. Янгилик эса асарнинг мазмун томонига ҳам, шакл томонига ҳам тегишлидир***" (3-бет) ёки "***...ёзувчи моддий бўлмаган нарсалардан моддий бўлган янги бадиий нарсани ижод этади***" (13-бет) каби соғлом қарашлар акс этган ўринлар мавжудлиги эътиборга лойиқ. Аммо тўлиғича олганда, китоб ноаниқ позициядан туриб, эскирган қарашларга таяниб, масаланинг моҳиятига кирилмай, анча юзаки ва жўн ёзилган. Бу қадар кескин тўхтамни китобдан олинган юзлаб мисоллар ёрдамида асослаш мумкин.

Муаллиф жуда кўп адабиётларни ўрганиб чиққан, улардан сон-саноқсиз узиндилар олган, аммо илмий қонуният ва изоҳларни адабий материаллар таҳлилидан келтириб чиқариш ҳамда матнга таянган ҳолда ўз қарашларини исботлаш ўрнига, ўзи ҳақиқат деб ҳисоблаган тўхтамларни шунчаки баён этиш, қайд қилиш йўлидан боради. Ҳодисадан келиб чиқмагани, бадиият моҳиятини акс эттирмагани учун китобдаги хулосалар на илмий қиммат касб этади, на кишини ишонтиради.

Асарнинг тили жуда ғариб, ифодадан масала моҳиятини англаб бўлмайди. Фикримизни биргина: "***Бадиийликни ҳосил этиш мақсади ҳаётни орзу этилган даражада қуриш ва яхшилашга хизмат қилади. Бадиийлик бадиийлик учун яшамайди, балки ҳаётнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш, инсон онги ва руҳиятига таъсир кўрсатиш ва уларни эзгулик, рўшнолик, тараққийпарварлик ва шу билан бирга***

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўзаллик <u>ва</u> зарурат қонунлари асосида ўзгартириш учун даъват қилинган” (5-бет) мисоли билан далиллаш мумкин. Кўчирмада бадиийлик билан бадиий асар аралаштириб юборилгани яққол кўзга ташланиб турибди.

Уммат Тўйчиевнинг: “***...китобхон ўрта маълумотлидан академикликкача бўлган масофани эгаллаган***” (21-бет) шаклидаги фикри мантиқ ва ифода жиҳатидан ногирондир.

Кейинги кўчирма мантиқсиз ва тумтароқлиги билан бундан ҳам ғаройиб: “***Ҳамма гап ижодий ҳаёт муваффақияти ижтимоийлик ва шахсийликни тўғри пайванд қилишда, улар ўртасидаги мувозанат ва ўртача меъёрни топа билишда, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган нуқтани англай олишдадир. Ўғрилар, қотиллар, адашганлар, изза бўлганлар, пушаймон қилганлар шу чорраҳада туғилади***”. (24-бет). Бадиий ижодда ижтимоийлик билан шахсийликни мувофиқлаштириш ўғрилар, қотиллар ва ҳоказоларнинг туғилишига сабаб бўлиши, муаллифнинг шунга қарамай, мувофиқлаштиришга мойиллиги тушунарсиздир.

Олимнинг бадиийлик мезонлари борасидаги қараши ҳам жуда ғалати: “***...бадиийликнинг мезонлари учта эмас, балки бештадир. Улар қуйидагича: истеъдод, адабиётнинг спецификаси (ўзига хос хусусияти), анъана ва янгилик, маҳорат ва таъсирдорлик***”. (11-бет.) Бу ўринда, камида икки камчилик кўзга ташланади, биринчидан, фикр нотўғри ва ифода ғализ. Негаки, юқорида саналган унсурлар бадиийликнинг мезонлари бўлолмайди. Иккинчидан, саналаётган унсурлар сони тўғри эмас. Агар “ва” боғловчисига эътибор қилинса, бу ерда гап бешта эмас ё тўртта, ёки олтита нарса ҳақида бораётгани маълум бўлади.

Уммат Тўйчиев айрим ҳолларда ўз фикрига қарши қарашни ҳам илгари сураверади. Чунончи, китобнинг 15-бетида: “***...истеъдод масаласи бадиийликни яратувчи омиллардан бири ва асосийсидир***”, деган бўлса; 16-бетда: “***...истеъдод масаласи бадиийлик таркибига киради***”, тарзида хулоса чиқаради. Бу ўринда, “масала” сўзининг мутлақо ўринсиз қўлланилаётгани ҳам, асосий нарсанинг “киради” даражасида изоҳланишидаги мантиқсизлик ҳам кўриниб турибди. Муаллифнинг айрим қарашлари ўта жўндир: “***Адабий ижодкорлик ҳаваскорлик, ёш шоирлик, ёзувчилик, истеъдодлилик, санъаткорлик ва гениаллик (даҳолик) ҳам титанлик (гигантлик)ка бўлиниши мумкин. Бу етти босқичнинг тўрттаси истеъдод бўлмаса юзага келмайди***”. (16-бет.) Бу тасниф ҳамда хулоса мантиқ ва илмий тизимга эга эмас. Олимнинг истеъдод келиб чиқишининг уч илдизи ҳамда фосфор моддасига бой балиқ кўп ейиладиган маконларда истеъдодлар тез-тез пайдо бўлиши борасидаги қарашлари адабий жўнликнинг ўзгинасидир.

2011 йилда босилган бу китобга Лазиз Қаюмов, Содир Эркинов каби марҳумларнинг масъул муҳаррир ва тақризчи қилиб кўрсатилишини юқоридаги мантиқсизликларнинг давоми дейиш мумкин. Ахир, масъул муҳаррирлик ва тақризчилик илтифот ёки эҳтиром эмас, балки катта масъулият экани маълум-ку? Агар ушбу китобни нашрга тавсия қилган касбдошлар ва уни босиб чиқарган нашриёт жиддийроқ муносабатда бўлишганида, оқсоқол олимнинг жуда катта меҳнати самараси бўлмиш бу китобни бир қадар фойдали, истеъмолбоп қилиш мумкин эди.

Кейинги вақтда фаоллиги ва замонавий ўзбек адабиётининг турли муаммолари юзасидан билдираётган ўзига хос фикрлари билан эътироф қозониб бораётган умидли олим Исломжон Ёқубовнинг “Бадиий-эстетик сўз сеҳри” монографияси ўтган йилги миллий адабиётшунослигимиздаги салмоқли ишлардан бўлди. Илмий қарашларининг теранлиги, ҳозиржавоблиги ва ўта сермаҳсуллиги билан эътибор қозонаётган Исломжон Ёқубов мазкур асарида ўзбек романининг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, тараққиёт тамойиллари, бугунги даражаси ва истиқболи каби жиҳатларни “Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари”, “Ўзбек романининг илк қадамлари”, “Романларда зулмат ичра нур ифодаси”, “Романий тафаккур ва услуб жилоси”, “Ўзгараётган роман” каби махсус беш бобда синчковлик билан ўрганган. Олим ўзбек романи поэтикасига хос хусусиятлар ва уларнинг ижтимоий-эстетик ҳамда бадиий-индивидуал омиллари борасида жуда асосли қарашларни баён этган. Айниқса, конкрет романлар таҳлилига таяниб миллат тафаккур тарзидаги турфа ўсиш-ўзгаришлар замонавий романларда қандай акс этаётгани борасида чиқарган хулосалари илмий салмоғи билан катта аҳамият касб этади.

Айни вақтда, фикр теранлиги, қарашлар оригиналлиги, умумлашмалар асослилиги билан ажралиб турадиган ушбу китобдан олтинчи, еттинчи, саккизинчи бобга жой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштирилган барча материалларнинг, айниқса, “Халқ шоири Кенжа Худойберганов ижодий портретига чизгилар”, “Беғараз ҳавас тафти” каби саёз бадиий матнлар таҳлилига бағишланган мақолаларнинг ўрин олганлиги жиддий тадқиқотнинг яхлитлиги ва илмий салмоғига маълум даражада путур етказган.

Фольклор ҳодисаларига ўзига хос назар билан қараб, минглаб йиллар олдин яратилган адабий ёдгорликларни фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида ва кутилмаган йўсинда изоҳлайдиган олим Шомирза Турдимовнинг “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” асари адабиётшуносликка доир ўтган йили чоп этилган китоблар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Олим “Гўрўғли” туркум достонларига асос бўлган бобосюжетнинг янги эрадан анча олдин вужудга келганини, достонларда халқлар тарихининг кейинги босқичларидаги воқеаларнинг акс этишини эса, сюжетга кейинчалик қўшиб олинган бадиий унсурлар эканини рад этиб бўлмайдиган далиллар ёрдамида асослайди. Муаллиф бу туркум достонларда тасвирланган воқелар ҳам, уларда акс эттирилган образлар ҳам ташқаридан кўринадигани каби икки карра икки тўртдай оддий ва осон изоҳланадиган ҳодисалар эмаслигини, улар ғоят теран ва чигал ҳаётий, тарихий ҳамда мифологик илдизларга эга эканини очуннинг турли олимлари билдирган фикрларга таяниб асослайди.

Яна бир талантли фольклоршунос Жаббор Эшонқулнинг “Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини” китоби ҳам бултур чоп этилган илмий асарлар орасида алоҳида қиммат касб этди. Негаки, унда мангу ва чигал руҳоний-физиологик ҳодиса бўлмиш туш тафсилининг халқ оғзаки ижодида қўлланиши, унга юкланган рамзий маъно, тушнинг бадиий-эстетик функцияси каби ўзбек фольклортанувчилигида кам ишланган ва ечими топилиши долзарб бўлган мураккаб илмий муаммолар тадқиқ этилган.

Ушбу китобнинг диққатга сазовор биринчи жиҳати шундаки, муаллиф тушни соф психофизиологик эмас, балки илоҳий ҳамда руҳоний хусусиятларга эга синтетик ҳодиса тарзида тадқиқ этади.

Олим ҳар қандай тушда ҳам рамз бўлишини таъкидлар экан, барча руҳий ҳодисаларни моддиятга доир қонуниятлар асосида шарҳлайдиган Ғарб олимларидан фарқли ўлароқ, тушнинг илмий изоҳга тўла бўй бермайдиган илоҳий ҳодиса эканини, шу боис, рамзлар ҳар бир тушда ўзгача маъно ташишини жуда тўғри таъкидлайди: “***Бизнинг эътиборимизни тортадиган... жиҳат тушдаги рамзлар ҳар бир тушда ўзгача маъно ташишидир. Тўғри, тушда ҳам умумий рамзлар ...мавжуд. Бироқ ҳар бир туш таъбир қилинаётганда, ...индивидуал маънога эга бўлади***”. (46-бет.) Мана шу жиҳатлар ушбу китобнинг илмий қимматини оширади. Айни вақтда, асарда: “***Алпомишнинг елкасидаги беш панжа эгаси ҳам, унга исм берган ҳам, от кўринишида алпни зиндондан қутқарган ҳам ҳомий руҳ – Қултой эди***”, (190-бет) тарзидаги достон матнидан келиб чиқмайдиган ва мантиқан асосланмаган, аммо қатъий хулоса шаклида билдирилган қарашлар ҳам учрайди.

Мумтоз адабиёт муаммолари тадқиқ этилган китоблар буюк Алишер Навоий асарларидаги бадиият қирраларига эътибор қаратилгани билан ажралиб туради. Ўзбек навоийшунослиги тажрибасида кўпинча ҳазратнинг бирор конкрет асарини атрофлича илмий таҳлил қилишдан кўра, мутафаккир ижодининг тенгсиз ва теранлиги ҳақидаги умумий мулоҳазаларни айтиш, даҳо шоир асарлари тўғри талқин этилмаётганидан иддао қилиш, бирор асарининг ундай эмас, бундай шарҳланиши маъқул эмаслигидан ёзғириш устуворлик қиларди. Бугунги навоийтанувчиларимизнинг бевосита буюк шоир асарлари таҳлилига тутуна бошлаганлари бу борадаги жиддий силжишлардан ҳисобланади.

Таниқли навоийшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Навоийга қайтиш 2” тарзида ўзига хос номланган китобини ана шундай ижобий силжишларнинг бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Олимнинг: “***...ҳақиқий шеър учун ҳеч бир шарҳ, таҳлил ва талқин охирги сўз ёки хулоса бўлолмаганидек, аввал англанмаганини англаш, ҳануз ёритилмаган маъно қирраларини ёритишга ҳам асло монелик кўрсатмайди***”, деган фикри асарнинг бошидан охирига қадар амал қилинган асосий илмий тамойил вазифасини ўтаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, улуғ мутафаккирнинг шу кунгача кўп бор таҳлил қилинган айрим асарларига ҳам қайта қўл урилган ва улардан янги, баъзан мутлақо кутилмаган маънолар топилган. Китобдаги “Навоий шеъриятида сўзнинг образга айланиш асослари”, “Навоийнинг ваҳдат тушунчаси ва пантеизм”, “Маъно ва тафаккур зиёси” каби мақолалар олимнинг синчков нигоҳи ва тинимсиз изланаётган тафаккури маҳсулларидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш навоийшунос Сирдарё Ўтановнинг “Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси” китоби қамровнинг кенглиги, таҳлилга тортилган материалнинг кўп ва хилмахиллиги, илмий адабиётлардан ўринли фойдаланилгани, кузатишларнинг оҳори билан эътиборни тортади. Навоий ғазалиётида ранг тасвирининг ифодавий функциясини текширишга тутинган олима ранг символикасининг маъно-моҳияти, генетик илдизлари, бадиий-эстетик зарурлиги сингари жиҳатларни теран изоҳлаган. Олиманинг ранг символикасининг оғзаки ижоддаги функцияси билан мумтоз адабиётдаги ўрнини солиштириб чиқарган хулосалари ишонарли. Китобнинг айрим ўринлари ёш тадқиқотчи рангга доир ўзи тўплаган саноқсиз далиллар орасида бир қадар довдираб қолгандай тасаввур уйғотади.

Адабий синчиликка доир бултур чоп этилган китоблар орасида ҳозирги адабиёт намуналари текширилган тадқиқотлар ҳам анчагина. Ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ижод – кўнгил мунавварлиги” деб аталган асари шундай сирага мансуб. Китоб қирқ саккизта мақоладан иборат.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг илмий асарларига хос жиҳат уларда ёзувчи назари яққол сезилиб туришида. Унинг бадиий яратиқлари борасида худди шу гапнинг зиддини, яъни, бадиий битикларида олим мушоҳадакорлиги ва тизимлилиги сезилиб туришини ҳам айтиш мумкин. Хуршид Дўстмуҳаммад ўзи текшираётган асарга профессионал ёзувчининг кўзи билан қарайди ва кўрганларини профессионал адабиёттанувчининг фикри билан изоҳлай олади.

Мамлакатимизда ёш ижодкорларга берилаётган эътибор адабиёттанув ва адабий синчилик соҳаларида ҳам илк ҳосилини бера бошлагани ўтган йили яққол кўзга ташланди. Гарчи, ёш адабиётчи ва синчиларни вақтли матбуотда фаоллик кўрсатяпти деб бўлмасада, ҳисобот йилида улардан тўрт нафари китоб чиқаришга эришгани қувонарли ҳолдир. Синчи Муҳайё Йўлдошеванинг “Янгиланишлар мангулиги” номли илк китобининг йигирма минг нусхада чоп эттирилгани муносиб воқеа бўлди. Ёш олима рисоласида ўзбек модерн шеъриятига хос хусусиятларни тасниф этишга, унга хос белгилар қайси шоирнинг ижодида қай йўсинда намоён бўлаётганини кўрсатиб беришга уринган.

Ёш тадқиқотчи Марҳабо Қўчқоровнинг “Бадиий сўз ва руҳият манзаралари” номли китоби ҳам изланишларга анча бойлиги билан ажралиб туради. Унда миллий тафаккурдаги тинимсиз ўзгаришлар эсселарда қай йўсинда акс этаётганлиги бир қатор асарлар мисолида атрофлича таҳлил этилган.

2011 йилда чоп этилган китобларнинг бир гуруҳи адабий шахсиятларга бағишланган. Улар сирасига Наим Каримовнинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий”, Бахтиёр Назаров ва Шоира Аҳмедоваларнинг “Миллатнинг ҳассос олими”, муаллифлар жамоасининг шоир Турсунбой Адашбоев ва унинг асарлари тўғрисидаги “Беғуборлик олами куйчиси”, муаллифлар жамоасининг “Ўткир Ҳошимов замондошлар наздида”, Қозоқбой Йўлдошнинг “Йўл одами”, Тоҳир Шермурод ва Илёс Исмоилларнинг “Усмон Азим ижодиёти” каби асарларини киритиш мумкин.

Ўтган йили нашр этилган адабиётшуносликка доир китобларнинг бир гуруҳи адабий алоқаларни текширишга бағишланган. Бундай асарлар қаторига профессор Акмал Саидовнинг “Данте – юрист”, Фарғона университети олимлари: Абдуғафур Қосимов, Сиддиқжон Хўжаевлар қаламига мансуб “ХХ аср Ғарб адабиёти” ҳамда Зулхумор Мирзаеванинг “ХХ аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” каби тадқиқотлари киради.

Ёш тадқиқотчи Зулхумор Мирзаеванинг уч бўлимдан иборат китобининг биринчи бўлимида жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши босқичлари, бу босқичларнинг ҳар бирига хос белгилари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда турли босқичларнинг хусусиятлари баъзан бир, баъзан бир неча асар таҳлилига таянилган ҳолда анча ишонарли кўрсатиб берилган. Иккинчи бўлим таржимачилик муаммоларига бағишланган бўлиб, унда ўзбекчадан инглизчага қилинган таржималар, уларнинг сифати ва бунинг ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик, шахсий-профессионал ва этник сабабларига тўхталинган.

Учинчи бўлимда янги ўзбек адабиёти намуналарининг бугунги америка адабиёттанувчилигида тадқиқ этилишидаги ютуқ ва камчиликларнинг сабабларини кўрсатишга эътибор қаратилган.

Хуллас, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳаси бўйича ўтган йилда чиққан китоблар уларда миллий бадиий-эстетик тафаккурга хос тўлқинлар мавжи яққол экс этганлиги билан эътиборни тортади.

www.ziyouz.com kutubxonasi